

Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган



2002 йил 6 декабрь



Жума

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри Сопула эркин парҳиз

- 2 * Маҳаллалар обод бўлади!
- * Оқсоқолга яна бир аъло баҳо
- 3 * Эл ичра ибратли аёл
- * Адолат устунни бўлган Қомус
- 4 * Маҳаллада билаги бақувват полвонлар бор
- * Зиёратнинг сиру синоатлари

БОШ ҚОМУСИМИЗ - 10 ЁШДА

Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланди

Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболи порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатимас бўлди. Фаровон турмушимиз ривожда, Ватанимиз ва халқимиз тақдирини Конституциямизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Конституциямизни нафақат таърифлаганда, айтиш мумкин, қонунларнинг модалма-модала рўйида чиқариш асосида уни ҳаётимиз Қомуси деб билишимиз ва

танади йиғилиши бўлиб ўтди. Ийгилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияти янгради. Конституциявий суд Раиси Б.Мустафоев Конституциямизнинг ўн йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўн йил абадий олдида қисқа фурсат эканига қарамай, ўзган давр мобайнида мамлакатимизда қанчалик қанчалик таъминоти олишнинг узарилар юз берганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон маънавий қадриятларини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўриқиб келинган оқимлар модалма-модала қонунчилик ва ҳуқуқ-тарбиянинг мустақимлиги, ҳаётнинг барча баҳаларини эркинлаштириш жараёнида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Эришган ютуқларимизнинг, тинч ва осулда ҳаётимизнинг, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизда Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётга таъбиқ этиётганимиз мужассамдир.

Юртбошимиз мустақиллик даврида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида маънавий асос, ўзаро узий боғланиш маъқуллигига эътибор қаратди. Утиб бораётган Қарияларни қадрлаш йили аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажигини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишта ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсадга қаратилган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури нафақат фаришлар, мўътабар кексаларимиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта ўзгаришга имконият берди.

Президентимиз 2003 йили «Обод маҳалла йили» деб эълон қилишни тақдир этди. Юртбошимизнинг бу тақдир йилларнинг гулдори қарсақлари билан маъқулланди. Дарҳақиқат, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни юксак. Кириб келатган йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши эса маҳалланинг ҳуқуқий асослари ҳар томонлама янада мустақимлаштиришга, ўзини ўзи бошқаришни бу ноёб тизими жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётимизнинг том маънодаги ажралмас қисми сифатида тобора ривож топишига, бунинг учун тегишли барча модалий-модалий шароитлар яратилишига асос бўлади.

Тантанали маросим сәнъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

(У.А.)

Мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан яқинлашиб келаётган аил - «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадри юртдошлар! Аввало, ўз номидан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуг айём - ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга руҳлат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапирди, кўп фикр юритди, бунинг билан Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалаларга - Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга таъбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очик тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча баҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тупиш, бу жараённинг тубан тизилтириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содала қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозада асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмасин - шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси

бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўрнили эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта. Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпича мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўлгани, деган кайфиятлар ҳам учиради.

Шундай ҳолатлар ва саволлар бошига тушганда, одамларимиз бехиётёр «Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўрнили, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати. Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўтирмадан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таъмирини қилган бўлишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этишчи идоравар ташкилотлар мутахассис раҳбарларнинг бурчиларидир. Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда - мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституциясини энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учираб туриши мумкин. Лекин, ҳеч шубҳасиз, ҳуусон биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни қўриш, халқи-

мизнинг келажакка ишончини қозониш ва муҳташамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.



(Давоми 2-бетда)

беҳад қадрлашимиз бежиз эмас. Бунинг сабаби шуки, Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-ҳаваси ўзининг тўла ифодасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётимиз шакл-шамойили, маънавий қиёфаси шён акс эттирилган. Унда тараққиётимиз гарови бўлган тинчлик, оқилоллик, тотув ҳаётимиз асослари белгилаб берилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғулантирилган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқлари, инсон эркинлиги мустақим муҳлаб қўйилган.

Ҳа, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамалигида ишлаб чиқилган барча жаҳонларда амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларимиз ва буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қаролати бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганга ўн йил тўлди.

Шу муносабат билан 5 декабрь кунини пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида тан-

Қўшалок байрам муборак

БАРЧАМИЗНИ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР ТАРК ЭТМАСИН

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Дин ва виждон эркинлиги» масалаларига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адал инсоф, динат, меҳру оқибат, ор-номус, ифитат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Қомусимиз Ўзбекистон фуқаросининг миллати, ирки ва динидан қатий назар тенг ҳуқуқли, деб билади, шунингдек уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилишнинг кафолатидайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, диний ташкилотлар ва бирлашмалар қонун олдида тегилирлар.

Бугунги кунда, фарзандларимиз диний ва дунёвий билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар республикамиздаги бир қанча олийгоҳлардан ташқари Тошкент Ислам университети, Тошкент Ислам институти ва ўн та урта мақсус ислом билим юртида таълим олмақдалар. Юртимизда бир қанча алломаларимизнинг таъвалуларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўти ҳақида улар шарафига меъморий обидалар барпо этилди.

Диримиз мусулмонлари Истиқлолнинг ўн йилкини йилга қадам қўйган ҳола мустақиллик соҳида эркин нафас олаётган-

ликларидан Аллоҳ таолога чексиз мионатдорчилик изҳор этиб, доимий равишда ҳақду санолар айтамоқдалар. Хукуматимиз олиб бораётган оқилона тиҷчилик сиёсатини ақидиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ислам динида Ватанга, эл-юртга нисбатан садоқат тушунчаси жуда улуғланади. Шундай экан, бу муқаддас замин барчамизники, унда йашаётган ҳар бир инсон муқаддас она-Ватан олдиди ўз фуқаролик бурчини унутмаслиги керак бўлади.

Фуқаролик жамияти пойдевори қуришган мамлакатимиз халқи қўшалок байрамни шонли раҳда қариндоқламоқда. Уйлаймизки, инҳонига этган Рамазон ойида қў-барак кўпайди, гуноҳлар ювинди, тавба-тазаррулар, чин илҳос ва эртиқол ила қилинган дуолар мустажаб бўлиб, қалблар таскин топди. Аллоҳ таолога минг шукримиз, диримиз мусулмонлари муқаддас байрам - Ҳайитга ҳам соғ-саломат, тинч-осойишта этиб келидилар. Бу муборак кунни юртдошларимиз ўзача бир ажиб руҳ, ўзача шукҳ ила қутиб олаётдилар. Чунки ушбу байрам мусулмонлар бир-бирлари билан дийдор қўришадиган, ҳолларидан хабар оладиган, муруват кўрсатадиган, муҳтожлар йўқлиги моддий ва маънавий ёрдам берилладиган кунлар.

Азилар, Бош қомусимизнинг шарафини 10 йиллиги ҳаммамизга муборак бўлсин, деймиш ва динимизнинг асосий аҳқомларидан бўлимиш Рўзанинг барчамизга поклашни саодатини келтиришни, дилларимизни равшан қилишни Аллоҳдан сўраб, муборак Рамазон ҳайити билан чин дилдан қўталаймиш.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Ҳожи Абдуразақ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

ПРЕЗИДЕНТГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Қутлуг Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам КАРИМОВ номига самимий қутловлар келмоқда. Хусусан,

АҚШ Президенти Жорж БУШ, Иордания Подшоҳи АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ,

Уммон Султони Қобус бин САИД, Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ номидан йўлланган қутловларда бутун Ўзбекистон халқи, муҳтарам Президентимиз Ислам КАРИМОВ Рамазон ҳайити муносабати билан қизгин муборакбод этилади. Халқимизга бахт-саодат, фаровон ҳаёт, Юртбошимизга мамлакат ҳаётини бошқарувидан улкан ютуқлар ва Аллоҳдан эсон-омонлик сўралади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонларида мувофиқ Истиқлолимизнинг 11 йиллик улкан туҳфа арафасида турли жаҳалардаги фуқаронона меҳнати, сарҳадларимиз даққасилиғини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятнинг юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь кунини - эркимиз ва истиқлолимиз тизмолу бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун боарам арафасида Оқаро қарорхоҳида бир гуруҳ ватандошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Сизлар билан бугунги учрашувимиз ўзига хос, ажойиб, хосятили бир кунда ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Аввало, бутун Конституциямизнинг қутлуг ўн йиллиги байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган сиз азизлар билан учрашиб, очик чеҳрангизга боқиб, сизларни ана шу буюк сана билан табриклаш, муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Президентимиз маросим иштирокчилари билан бутун яна бир муборак айём - халқимиз, миллатимиз, дунёдан барча мўмин-мусулмонларнинг табаррук байрами - Рамазон ҳайити арафасида дийдор қўришиб турганидан мамнуният изҳор этаркан, уларни ва улар орқали бутун халқимизни қўғилларга эзгу ва ёруғ тўшулар олиб киралдиган ана шу улдуз кун билан самимий табриклади. Мамлакатимизнинг ўн бир йиллик мустақиллик тарихида яхши бир одат шаклланиб, доимий аънағанга айланиб қолди.

Яъни, ҳар йили Ватанимизнинг мустақиллик байрами муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган инсонларни айнан Конституция кўни арафасида табриклар, уларнинг шодлиги ва қувончига шерик бўлмоқдамиз. Биз «Ўзбекистон замин», «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон фарзанди» деган сўзларни доимо ички бир ҳаяжон ва ифтихор билан тилга оламиз, дея сўзда давом этди Президент. Ҳеч шубҳа йўқки, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унван ҳам бизга фахру гурур баҳш этиладиган ана шундай мўътабар тушунчалар қаторида туради.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида қўн йиллардан буюн қаҳрамонона меҳнат қилиб келётган инсонлар - «Меҳр-нафқат ва саломатлик» жамғармасини Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамовани, моҳир муаллим ва мураббий Марат Зокировни, тажрибали ўқувчи раҳбарлари Алим Латипов ва Муродullo Савдонови, Хоразм вилояти ҳокими Ислам Бобожоновни ана шундай шарафли унвон билан чин юракдан қўтади.

Айниқса, қаҳрамонларимиз қаторида ҳаётда ҳам, иккида ҳам узининг ҳақдоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, аввало, балки ёшларимизга ибрат бўладиган, том маънодаги маърифатпарвар инсон Озод Шафариқовнинг борлиги бениҳоя қувончдир.

Халқимизда муборак айёмлар арафасида ўтганларни ёд этишдек яхши бир олат бор. Бир неча йилларки, биз ана шу ибратли улдузга амал қилиб, илму фан ва маданиятимиз ривожига бекиёб ҳисса қўшган, аммо бугунги ёру қуларини кўриш насиб этмаган марҳум ватандошларимиз номини хотирлаб, ҳурмат бажо этиб келмоқдамиз.

Бу йил ҳам Президентимиз Фармонида бинам ўн уч нафар ана шундай улдуз инсон давлатимизнинг юксак мукофоти - «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Биз нашару алола, академик Ҳабиб Абдуллоевнинг илмий жасоратини, Қорн Ибзий, Ташмуҳаммад Саримсоқов, Ҳобай Орипов, Обид Соҳиб, Собир Юнусов, Соҳиб Азимов, Яхё Гуломов, Саъди Сириоддинов, Ҳамид Сулаймон каби ҳар бири ўз соҳасида илмий мактаб яратган истеъдод соҳибдорларини Ватанимиз, халқимиз олдиди хизматларини ҳеч қачон унутмаймиш, деди Юртбошимиз.

Саҳва савъатимизнинг ёркин намоёнидан Олим Ҳўжаев, миллий мусиқани ривожига улкан ҳисса қўшган мизмат бастакор Тўхтагани Жаллолов, бутун умрини қорақалпоқ дёнрини таранум этишга, ноёб ва бетакор савъат асарларини тўлашга бағишлаган Игорь Савинкий номларини ҳам эҳтиром билан ёд этамиз.

(Давоми 2-бетда)

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси Тахририят манзили:
Маtbуот ва Ахборот Агентлиги
Тошкент, Маtbуотчилар кўчаси, 32-уй
00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Телефонлар:
Нашр кўрсаткичи: 148
«Маtbуот тарқатувчи» хиссодорлик жамияти
Маҳалла ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Беморларни зиёрат қилиш, яъни уларнинг олдига бориб ҳол-аҳвол сўраш, биронта етишмовчилик бўлса кўмаклашиб юбориш мусулмонларнинг зиммасига юклатилган олтинга ҳақдан (вазифадан) берилади. Бу тўғрида Ал-Бухорий Пайгамбаримиз (САВ)дан шундай ривоят қилади: «Беморларни зиёрат қилишнинг, оқ кишиларга таом беринглари».

маъноси: «Эй Парвардигор, дуоларимизни қабул қилишингни сендан ёлвориб сўраймиз», деганидир, чунки буларнинг дуоларига қўйилиб фаришталар ҳам омин деб турдилар. Шу пайтда умидсизлик қилиб: «Дардим ошиб, шифо топишни қийинлашиб бор-

Илтижо қилди, сен унга таом бермадинг. Агар унинг ҳожатини чиқариб, қорнини туйғазганинда, мени унинг олдидан топган бўлардинг», дейди Аллоҳ таоло. Кўриниб турибдики, инсонларга қилинган яхшилик беркорга кетмас, бемор кишини зиёрат қилиш Аллоҳ та-

лиқ бандаларнинг қаторига қўшилади. Бутун жаҳонни эгаллаган Сулаймон алайҳиссалом ҳам ақл-қушда баркамол инсон бўлганлиги учун, бу дунё неъматлари вақтинчалик эканлигини, бу дунё охираат эканлигини, бу дунёда имонга келиб, амали солиқ қилганлар наҳот топишини, имонга келмаганлар эса ҳалокатга учрашини аниқ билганлар. Шу мазмунда яна бир ҳадис бор: «Қиёмат куни дунёдаги барча неъматларга эришган, аммо имонга келмаган бир кишини келтириб, дўзахга киритиб олинди, сўнгра: «Дунёда сен кўрмаган биронта яхшилик, сен эришмаган биронта неъмат қолганми?» - деб сўралди. Имонсиз бойвачча дўзах азобининг бир лаҳзасига ҳам чидай олмай, шу лаҳза унинг фоний дунёда туган барча неъматларини йўққа чиқариб: «Дунёда биронта яхшилик кўрганам йўқ», деб жавоб қилади. Бу фоний дунёда қаттиқ азобларга учраган, аммо имондан ажралмаган бир банд қиёмат кунини жаннатга бир лаҳза киритиб олинади, сўнгра ундан: «Дунёда биронта машаққат кўрганамисан?» - деб сўралди. Умири ҳам-ғуссада ўтган бандани мўъмин жаннатнинг бир лаҳзалик роҳатини татиб қўрач, бу дунёда чеккан барча гаплари эсдан чиқиб: «Йўқ, мен ҳеч қандак машаққат тортганим йўқ», деб жавоб қилади (Имом Муслим ривояти).

БЕМОРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОРОБИ

Беморни кўришга борганда унинг гапларини тинглагач, хавотир олманг, юзларингиз кўркам, рангингиз тиник, иншоаллоҳ тез орада ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз, деб далда беринг.

моқда», деган тескари ҳаёлга борса, фаришталар оминин билан беморнинг ҳаёли омухта бўлиб, иш тескарига бурилиб кетиши мумкин. Гапи совуқ, бефаросат кишиларни беморнинг ёнига йўлатмаслик керак. Бемор ҳам уни кўргани келган барча кишиларга дардини очик айтиб, шикоят қилавермаслик лозим, фақат сўралгандагина айтса дуруст бўлади. Беморлик ҳам мўъмин бандга Аллоҳ таоло томонидан берилган бир неъмат, бу неъматнинг шукронасига Аллоҳга тавба қилиб, истиффор-

ратимга келмадинг». Ул бандар ар қиладики: «Эй раббим, мен сени қандай зиёрат қилай, сен ахир раббул оламидурсан». «Фалон бандам бемор бўлганда сен уни зиёрат қилмадинг. Зиёрат қилганинда, сен мени унинг ёнидан топган бўлардинг», дейди Аллоҳ таоло. «Эй одам ўғли, мен сендан таом беришингни сўрадим, сен менга таом бермадинг», дейди яна Аллоҳ таоло. Ул бандга дейди: «Эй раббим, мен сента қандай қилиб таом берай, ахир сен ўзинг бутун оламга ризқ берувчидирсан». «Едингдами, фалон бандам сендан таом сўраб

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони юртимизда спорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда янги - болалар спортини ривожлантиришга қаратилган йўналишни белгилаб берди. Ушбу Фармон ва унинг ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори юртимиз маҳаллаларида бунгача маҳалла болаларининг спорт билан шуғуланишлари-га қаратилиб келинаётган алоҳида эътиборни янада кучайтирди. Бу борадаги тадбирлар қўламини кенгайтириш имконини берди.

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

турнири якунланди



Доноева, 40 кг вазн тоифасида Дилафруз Абдураҳмонова, 44 кг вазн тоифасида Гулшан Нуралиева, Махдун Худойбердиева (Қашқадарь), 48 кг вазн тоифасида жиҳазлик Ирода Абдураҳмонова, 1987-88 йилларда турилган қизлар ўртасида 40 кг вазн тоифасида тошкентлик Людмила Мамактонова, ҳоразмлик Уғилжон Рўзиметова, 52 кг вазн тоифасида самарқандлик Наргиза

қўраш билан 8 ёшимдан бошлаб шуғулланаман. Кўп марта голиб бўлганман. Лекин бундай турнирда эмас. Катта мусобақада мулақ голиб бўлганидан жуда бахтлиман. Шундай катта турнирларда қатнашишимизга имконият яратиб берган ҳолий ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Санаткорлар ўз қўшиқлари билан спортчиларни хушнуд этдилар, сўнгра голибларни тақдирлаш маросими бўлди. Турнирда голийлик қилган ташкилотларнинг раҳбарлари голибларга медаллар, фахрий ёрликлар ва эсдалик совғаларини топширдилар. Спортчилар қаторида сурхондарёлик Ҳақберди Ҳожи Нурбеков Республика «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонқури» кўрак нишони ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. У киши билан сўхбатлашганимизда шундай жавобларни эшитдик: «Халқаро Кураш Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро Кураш институтининг илмий ҳолимиман. Маҳаллада «Ҳақберди Ҳожи ота» кураш клубини ташкил қилганман. Ҳозир бу ерда 100 дан ортиқ ҳис шуғулланаяпти. Умуман жомая ҳисобига Қашқадарь вилояти биринчи ўринини эгаллади. **Нурали ШОДИЕВ, «Маҳалла» муҳбири.**

Андижон вилояти ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ
Олтин кўл туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида «Хонбоғи» гузарни ишга тушиди.
Гузардаги ёшлар кафеда дам олиш, музика тинглаш ва ҳар хил турдаги музқаймоқлар тановул қилиш мумкин. Чойхона, савдо расталари, нонвойхона ва устахона хўжалик аҳолиси хизматиди. Буларнинг барчаси шу ерлик тадбиркор Маъмур Ҳожи Жўраевнинг маблағи ҳисобига қурилди. Тадбиркорнинг бу ишларида ширкат хўжалиги бошқаруви, шунингдек бошқа тадбиркор усталар ҳам кўмаклашди.
«Туркистон-пресс»

Ўтган ҳафта 28-29 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси, Халқаро Кураш Ассоциацияси билан, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон миллий кураш федерацияси, Езувчилар уюшмаси, Давлат жиомати тарбия ва ва спорт қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган ўзбек кураши бўйича «Маҳалла» турнири мусобақаларининг якуний босқич уйинлари ўтказилди. Турнирда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган, шунингдек пойтахтимиздан жами 3000 дан ортиқ полвонлар беллашдилар.

моҳиятини шундай изоҳлади: - Халқимизда «Илм мактабдан, одоб меҳнатдан» деган гап бор. Бу бежизга айтилмаган. Спортнинг бу турга болаларимиз меҳрини маҳалла дорасида ялқинлатириш керак. Курашнинг ўзи бир одобдир. Шохиди бўлиб турибсиз, полвонлар гиламга таъзим билан кираяпти, сизга қўл ҳам рақибга мардларча тан бериб таъзим билан чиқиб кетаяпти. Бунинг замирида катта маъно ётади. Кураш ҳам тарбия мактабининг бир қўшиғидир. Маҳалламиз фахри бўлган кексаларнинг кураш тушишлари ҳам бу спорт турининг нақадар қудратга эга эканлигини аниқлатади.

Тагбир
Бўш ўтирма, бош қатир
Биринчи чоракнинг сўнгги кунлари пойтахтнинг Мирзо Улугбек тумани ўқувчилари учун ҳаяжонли оиларга бой бўлди.
Чунки улар ўзларини нафақат мактабда, балки шахмат беллашувида ҳам синиб қўришларига тўғри келди.
Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини ва «MRC - Tashkent» - Тошкент - Медиа Ресурс Маркази - нотижорат жамоат ташкилоти бошқаруви ташкил қилинган «Бўш ўтирма, бош қатир» шахмат бўйича мусобақа ўтказишга қарор қилди.
Маҳалланинг «Мазнавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган ушбу беллашува меҳмонлардан ташқари Қўшин Нарвўз маҳалласида жойлашган яхшимой йўналишдаги Республика гимназиясининг «Имончилик» шахмат клуби бошқаруви ҳамда тумандаги 187-, 208-, 209-, 121- сонли мактаблардан таширф буюрган

Эшматовалар турнирининг олтин медалларини қўлга киритдилар. Қизлар ўртасида 57 кг вазнда мулақ голийлик самарқандлик ёш спортчи Наргиза Эшматовлага насиб этди. У турнир

Обуна-2003
Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойнаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - **Маҳалла га ОБУНА БЎЛИНГ!**
Чоршанба - ортиқиб кутулиган дамлар.

Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамisha шаймиз!
Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93
Тахририят

Обуна бўлишга кечикманг!
Муддат: бор йўғи бир ҳафта.

ukku жуфт
«Оптика» магазинида кирган харидордан сўради:
- Сизга «минос» тўққиз кўзойнак керакми? - деб сўрабди.
- Қандай қилиб билингиз?
- Сиз эшикдан эмас деразадан кирдингиз.
Хотини гоёт газабда:
- Тонготар тўртда уйга келишининг нима хоҳати бор?
- Оилам даврасида эрта-лабки нуоштанни ўтказишга ҳаққим йўқми?
Азиз БОБОХОНОВ тайёрлади.
-ЎТИРГАН ЕРИНГИЗГА (АРЕНДАГА)...
КОСА - ЧОЙНАККА, ОБКАТ ХАҚҚИ, ХИЗМАТИМИЗГА ЖАМИ...
Х.СОДИКОВ чизган.

Турфа олам ТАНБҮР НАВОСИ
Тарихий маълумотларга қараганда, танбур мусика асбоби Юнонистонда ихтиро қилинган бўлиб, ўттиз икки пардали бўлган. Кейинчалик маком асарлари асосан танбур саз ва пардаларига мослаб ижро этила бошланди.
Ўз даврининг машҳур бастакори ва созандаси Комид Хоразийи томонидан «Танбур нота чизиги» тизимининг яратилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган. Шу даврда халқ усталари томонидан ясалган танбуллар кўпроқ макомлар ихросига мослаб ихтиро қилинган. Бугунги кунда кўпгина Шарқ мамлакатларида ва Ўрта Осиёда танбулнинг турли хил қўринишлари мавжуд. Улар бир-бирларидан катта-кичиклиги, узун-қисқалиги, шакли, тор ва пардалилиги билан фарқ қилади.
Эрон мусикашунос олими Азиз Шабъобийнинг «Шиносини мусиқий Эрон» асарига танбурнинг дастлабки нусхаси «Яктор» (бир торли танбур) тўғрисида маълумот берилди. Ал-Фаробийнинг «Китоб ал-музика ал-кабир» асарига «дўтор» (икки торли танбур) ҳақида фикр юритилган. Абдурауф Фитрат «Ўзбек мунот мусиқиси ва унинг тарихи» китоби орқали танбур торлари тўғрисида кўп нарсани билиб олиш мумкин.
Ҳозирги кунда халқ усталари томонидан тўрт ва беш торли танбуллар ясалиб, ихросчиликда қўлланилмоқда. Танбур торлари сонига қараб ҳам номланган. Танбулларнинг бир торлиси «Яктор», икки торлиси «дўтор», уч торлиси «сетор», тўрт торлиси «чортор», беш торлиси «панжтор», олти торлиси «шоштор» ва танбур ўша жой ёки миллат номи билан ҳам аталади. Масалан, ҳинд танбури, ўзбек танбури ва ҳоказо.

ИСМАА ГАП КЎП
Ҳар қандай исм харфлардан иборат, талаффуз қилинганда эса ҳар бир харф ўзига хос тебраниш беради. Ана шу сабабли ҳам ҳар қандай исм ўзига хос тарзда жарағонлайди. Бинобарин, тасвири ҳам турлича.
Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда исма алоҳида аҳамият берилган. Исмада кишининг фелъ-атвори, тақдирини муқассам дейишадди. Ота-боболарининг бунини ички бир туйғу билан сезишган.
Ўз исми билан туғилган чақалоқлар (Суннат, Нишон, Тожи, Нор, Машраб ва ҳоказо)дан бошқаларга яхши уйлаб исми қўйилган. Масалан, улуг кишиларнинг исминини ҳар қандай бола ҳам кўтаролмайди, баъзиларга огирлик қилади, исминини юки боссади, чақалоққа азон ўқилганда исми кўлигига айтилади ва, башарти зарурият туғилмаса, у мана шу исми билан бир умр яшайи керак.
Бу қандай зарурият? Айрим ҳолларда бола ҳадеб касалланавера исми ўзгартарилади. Шунингдек, баъзи одамларда исми кита исми бўлади. Емон кучларни жалғитиш мақсадида ҳақиқий исми яширини тутишган. Кишилар «фалончининг боласи», «нис-тончининг отаси» деб номланган. Масалан, Абу Али ибн Сино, яъни «Алининг отаси, Синонинг ўғли» деб. Бу улуг олимнинг асли исми Хусайн эса айтилмаган.
А.АЛИЕВ тайёрлади.

Маҳалла
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ
Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОКИБОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Раҳмон КЎЧКОВ, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат УРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ, Масъул қотиб: Аслиддин БҮРИЕВ, Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ, Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ
Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул қотиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.
Буюртма Г-1026 Топширилди—20⁹⁰